

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
80-сонли БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов شوх кўчаси, 4 уйда
видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш ва овозга
қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок
этидилар.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2021 йил 29 июнь
Рўйхатга олиш бошланган вақт: соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт: соат 14.40
Йиғилиш ёпилган вақт: соат 15.50
Баён тузилган сана: 2021 йил 9 июль

**ЎЗРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки - 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки»
акциядорлик тижорат банки - 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки - 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки - 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация
тижорат банки - 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик
тижорат банки - 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик
тижорат Халқ банки - 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб,
бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

7. ЎЗРВБнинг 2020 йил якуиларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

**ЎЗРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида
ЎЗРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги
қарори қабул қилинди:**

7. ЎЗРВБнинг 2020 йил якуиларига кўра соф фойдасидан
22 228 095 624,00 сўм миқдордаги пул маблағлари акциядорлар ўртасида
дивиденд сифатида тақсимлансин (иловага мувофиқ).

ЎЗРВБнинг 2020 йил якунига кўра давлат улушига (Марказий банкка)
тегишли қисми бўйича ҳисобланган дивиденд суммаси **11 143 142 178,00**
сўм давлат бюджетига тўлаб берилсин.

ЎЗРВБнинг 2020 йил соф фойдасидан қолган **22 228 000 000,00 сўм** пул
маблағлари ЎЗРВБ ияфратузилмасини ривожлантириш, жумладан ЎЗРВБ
биносини реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш)га (**10 млрд. сўм**) ва
кейинчалик кафолат фондини шакллантириш учун (**12,2 млрд. сўм**) ЎЗРВБ
ихтиёрида қолдирилсин.

Дивидендларни тўлаш шакли – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул
маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2021 йил 30 июнь

Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2021 йил 31 август.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршиллар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси (ИМЗО) **Б.Ю. Абубакиров**

Йиғилиш котиби (ИМЗО) **Б.З. Исраилов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор ўринбосари



Б.З. Исраилов